



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan www.uzas.uz 2018-yil 9-fevral №7 (4457)

9 февраль — Алишер НАВОИЙ таваллуд топган кун ОЛАМ АҲЛИНИ ҲАЙРАТГА СОЛГАН ЗОТ

Навоий вилоятида Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллиги муносабати билан II анъанавий халқаро конференция бўлиб ўтди.

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири, газал мулканининг султони Алишер Навоий ижоди инсоният маънавиятига қўшилган бебаҳо дурдона, баънавийга ҳаёт комусидир. Унда ҳаётнинг ҳар бир жабҳасига, жамаки инсон туйғуларига муносабатни аққол кўриш ва ҳис этиш мумкин.

Навоий вилоятининг мутафаккир шоиримиз номи билан аталиши бугун ҳар биримизнинг қалбимизда фахр ва ифтихор туйғусини жўш урдирди. Шу улуғ номга муносиб бўлишни ният қилган юртдошларимиз барча соҳаларда катта ютуқларга эришмоқда. Мир Алишер Навоий хотирасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, ул зотнинг табарруқ меросини ўрганиш, ёш авлодга етказиш борасида ибратли ишлар қилинмоқда. Кунги кеча Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллигига бағишланган Навоий шаҳрида ўтказилган II анъанавий халқаро конференция ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев вилоятга ташриф буюрганларида Алишер Навоий ҳазратларига бўлган юксак эҳтиром ва садокатини ифода этиб, Навоий вилояти ҳокимлиги ва ижодкор зиёлилар ташаббуси билан улуғ шоирнинг энг машҳур асарлари ўрт китоб шаклида, юксак полиграфик сифат билан нашр этилганга юксак баҳо берганди. Шу гўзал нашр менинг ҳам шахсий кутубхонамда борлигидан ифтихор қиламан,

деб таъкидлаган эдилар. Юртбошимиз нуроталик машҳур тоштарош уста Тоҳир Раҳимовнинг хайрли ишларидан мамнун бўлиб, «Мана шу Нурота тупроғида туғилиб, камол топган бу қўлигул инсонни замонамиз Фарҳоди десак арзийди. Моҳир устанинг санъати билан Қозғон мармаридан яратилган сағана тошлари Ҳақим Термизий бобомиз макбарасини, Афғонистонда мавлоно Лутфий, Бобур Мирзо, Камолиддин Бехзод каби буюк аждодларимиз қадамжоларини беэзаб турибди. Утган йили Тоҳир ака хавф-хатарларга қарамасдан, Бобур халқаро илмий экспедицияси билан Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрига бориб, Алишер Навоий бобомиз макбарасидаги қабртошни янгилаб келгани ҳам маҳорат, ҳам жасорат намунаси, дейишга муносибдир», дегандилар.

Навоий шаҳридаги мухташам Ёшлар марказида бўлиб ўтган конференция аввалида шоир даҳосига эҳтиром рамзи сифатида Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйилди. Анжуманда Афғонистон, Озарбойжон, Қозғистон, Тожикистон ва бошқа мамлакатлардан келган таниқли навоийшунос олимлар иштирок этиб, улуғ шоир ижодиётининг турли қирраларига доир ўз маърузалари билан чиқиш қилдилар.

Нурullo ОЛТОЙ, Афғонистон давлат университети доценти:
— Мир Алишер Навоий нафақат Марка-

зий Осиё, балки бутун дунё халқларининг сеvimли шоири ва атоқли мутафаккири саналади. Бундай буюк аллома билан чексиз фахрланамиз. У кишининг ҳар бир байтидан одоб ва ахлоққа оид фалсафий маслаҳат олиш мумкин.

Навоий ижодий меросига бағишланган ҳар бир анжуман бу улуғ сўз санъаткори ва сиёсат арбоби ижодининг янги-янги қирраларини очиб бериб, илм аҳлига имкониятлар яратди. Бу билан у ўрта асрларда Хуросонда илм-фан, санъат ва адабиётнинг ривожини таъминлади. Буюк қалб эгаси, серқирра инсоннинг ватанпарварлик, одамлилик фазилатларига, яхши хулқ-атворга чорловчи асарлари шоир яшаган даврдаёқ халқнинг шоирга айлаган эди. Анжуманда мен «Навоий педагогика мактабини ёритиш» мавзусидаги маърузам билан қатнашдим.


Навоий ижодий меросига бағишланган ҳар бир анжуман бу улуғ сўз санъаткори ва сиёсат арбоби ижодининг янги-янги қирраларини очиб бериб, илм аҳлига имкониятлар яратди. Бу билан у ўрта асрларда Хуросонда илм-фан, санъат ва адабиётнинг ривожини таъминлади. Буюк қалб эгаси, серқирра инсоннинг ватанпарварлик, одамлилик фазилатларига, яхши хулқ-атворга чорловчи асарлари шоир яшаган даврдаёқ халқнинг шоирга айлаган эди. Анжуманда мен «Навоий педагогика мактабини ёритиш» мавзусидаги маърузам билан қатнашдим.

Конференция доирасида «Фарҳод» маданият саройида «Ёш навоийхонлар»

кўрик-танловининг вилоят bosқичи голибларини тақдирлаш маросими бўлди. Президентимизнинг «Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган танловда умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари энг кўп газал ёд олиш, ифодали ўқиш, унинг матни насрий баённи (ёзма шарҳи)ни ярата олиш каби шарҳлар бўйича билим ва маҳоратини синовдан ўтказишди.

Танловнинг куйи bosқичларида икки ярим мингдан зиёд ўқувчи қатнашди. Вилоят bosқичида эса олти нафар номзод ўзаро беллашди. Яқиний натижаларга кўра Кармана туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Иброҳим Ғафоров биринчи ўринни эгаллади ва унга Президент совғаси — «Spark» автомобилнинг қалити топширилди. 3-ўринга эришган уч нафар, 2-поғонани забт этган икки нафар билимли ёшларга ноутбук ҳамда компьютер жамланмалари берилди.

Исроил ХОЛБОЕВ, Ўзбекистон Республикасида кўрсатилган журналист



Навоий ва Жомий. XV аср Ҳирот мактаби миниатюраси. Асл нусхаси ҳозирда Янги Деҳлидаги музейда сақланмоқда.

НАВОИЙ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ БУТУНЖАҲОН ФЕҲРЕСТИ

Алишер Навоий асарлари бутун дунё қўлёзма хазиналарига тарқалган. Улар Ашхобод, Берлин, Боку, Вена, Дублин, Душанбе, Ереван, Истанбул, Кобул, Кэмбриж, Лондон, Мюнхен, Нью-Йорк, Оксфорд, Париж, Санкт-Петербург, Техрон, Усала, Қозон, Қоҳира, Ҳайдаробод каби шаҳарлардаги Шарқ қўлёзмалари фондларидан ўрин олган. Бу — фахрлинишга арзирлик ҳолат.

2016 йилнинг феврал ойида Берлинда Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси ҳамда Берлин давлат кутубхонаси, Хумболдт ва Озод Берлин университетлари ҳамкорлигида Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллигига бағишланган илмий конференция ўтказилди. Унда хоржик навоийшунослар ҳамда Ўзбекистондан ёзувчи Муҳаммад Али, профессор Шухрат Сирожиiddин билан биргаликда иштирок этганди. Мазкур йилнинг Навоий ҳаёти ва ижоди бўйича Ўзбекистон ва хоржик олимлари биргаликда ўтказган Европадаги дастлабки конференция эди. Ўзбекистон намоёндаларининг чиқишлари

катта зални тўлдирган хоржик тингловчиларда яхши таассурот қолдирганлиги уларнинг муносабатларидан сезилди ва Навоий ижодига қизиқиш дунё микёсида катта ўринга эга эканлигини кўрсатди. Хусусан, Алишер Навоий асарлари қўлёзмаларининг Европа кутубхоналарида сақланиши, ўрта Осиёдан ташқари Шарқнинг турли мамлакатларида ҳам Навоий асарлари асрлар давомида кўчирилиб тарқалганлиги тўғрисида маърузаларда маълумот берилди. Берлин давлат кутубхонаси қўлёзмалар фондидан Навоий асарларига оид немис олимлари маърузаси навоийшунослар учун янгилик бўлди.

Конференцияда франциялик олим Марк Тоутант Алишер Навоийнинг «Хамса» асари ҳақида маъруза қилди. Бунда у «Хамса»нинг ҳозиргача мавжуд нашрларига, асосан, Американинг Мичиган университети ва Париж Миллий кутубхонасидаги иккита қўлёзма-сига суянди. Шу муносабат билан Навоий бешигининг яна икки аҳамиятли қўлёзмаси навоийшунослик доирасига тортилади. Бу олимнинг Навоий «Хамса»сига бағишланган диссертацияси, 2016 йил сўнгида француз тилида нашр этилган китоби ҳам ўша икки қўлёзмага суяниб ёзилган. Демак, ўзбек илми ушбу икки қўлёзма нусхасидан кўчирмани қўлга кириштиришга интилиши керак. Алишер Навоий асарига эга ҳар бир қўлёзма илмий аҳамиятга эга бўлиб, биз улар асосида шоир асарлари факсимиле-фотонусхасини нашр этишни йўлга қўйсак ўринли бўларди.

Давоми тўртинчи саҳифада.

Ғайрат МАЖИД

ҚАЛАМ ЭЛ ДАРДИНИ ЁЗСА — ҚАЛАМДИР

Юрт қолар, эл қолар, эл ичинда бўл,
Бул Ватан дил эрур, дил ичинда бўл,
Мудом адолатли йўл ичинда бўл,
Шу йўлдан адашмай кезса — қаламдир,
Қалам эл дардини ёзса — қаламдир.

Сўзим боболарнинг китобидандир,
Ғайратим устозлар шитобидандир,
Бу давват Юртбошим хитобидандир,
Танда бор жонини сезса — қаламдир,
Қалам эл дардини ёзса — қаламдир.

➔ 3

МУШОИРА

ватлаш борасида ижодкорларга кўрсатилмаётган гамхўрликлар ҳақида сўзлади.

Ёзувчилар уюшмасининг янги бичо-

«Ёзувчилар уюшмасида»

сида ўтказилаётган илк адабий тадбирнинг навоийхонлик бағишланганида ўзига хос рамзий маъно бор. Зотан, улуғ бобомиз яратган адабиёт гулшанининг гуллаб-яшнаши, аввало, маданий меросимизга эҳтиром ва миллий адабиётга эътибордан бошланади. Адиблар хиё-

бони ва уюшманиннг янги биниси ҳам ул муборак зотнинг адабиёт деб аталган абадий мулкига кўрсатилган эҳтиромнинг ёрқин намунасидир.

Эркин Самандар, Абдулла Шер, Шарифа Салимова, Турсун Али, Ашур-рали Боймурод, Ғайрат Маҳид, Нодир Жонузоқ, Зулфия Мўминова, Янгибой Кўчқоров, Зикрилла Неъмат ва бошқа ижодкорлар улуғ шоирга бағишланган шеърларини ўқидилар. Хушовоз хонанда Муҳиддин Одилов ижро этган Навоий газалларига бас-таланган кўшиқлар тадбир иштирокчиларига завқ бағишлади.

Ахборот хизмати

АЁЛНИНГ ҚУДРАТИ ОНАЛИГИДА

Онам менга қачондан бошлаб эртақлар, дostonлар айтганини эслай олмаيمان. Аммо эсимни таниганимдан бери Гўрўгли Султонни, Алпомишни, Барчиноини, Жалолиддин Манзуберди, Тўмарис ва Қурбонжон додхони яхши биланам. Улар ўзимнинг қаҳрамонларим, қалбим ардоғидаги бебаҳо хазиналаримга айланган. Болалигим оқишлари Миқоқ парилар, Гули қаҳ-қаҳлар, «Қулса лабларида гул очилгучи, йиғласа кўзларидан дур сочилгучи» маликалар, «Уч оға-уни ботирлар», «Ёрил тош»у «Ур тўқмоқ»лар билан жуда сирли, сеҳрли ўтган.

Ҳамид Олимжоннинг «Ойгул билан Бахтиёр»ини ҳам онам орқали таниганман... Қуйма сатрларига болалигимдаёқ ошуфта шайдо бўлганман. Бегубор тасаввурим шундай бебаҳо хотираларга бойлиги боис, негадир бошқа халқлар эртақларига у қадар дил боғламадим, бошқа халқлар шоирларини «ўзимнинг шоирим», қаҳрамонларини «менинг қаҳрамоним» дея олмадим. Негаки, мен уларни мактаб ёшига етганимда танигандим. Менинг шоирим Ҳамид Олимжон эди! Эртақчи Пушкиннинг беназир асарларини ўқиб, бадийи теранлигига тан берганимда ҳам барибир қалбимнинг энг ардокли тахтиравонида Ҳамид Олимжон кўр тўкиб ўтирарди.

Бу гапларни нега айтяпман? Онам болалик даврларимдаёқ қалбимни, шууримни, бутун борлигимни миллитимизнинг бебаҳо хазиналарига, ўзлимизга — дostonларимиз, ўз шоирларимиз, миллий қаҳрамонларимиз, ўз эртақларимизга кўринмас ришта билан чамбарчас боғлаб

қўйган эдиларки, кейинчалик ўқиганларим, таниганларимнинг барчасини теран маънавийтимиз мезонлари билан баҳолашга одатландим.

Она шундай қудратли кучга эга бўларкан! У меҳр, гам-хўрлик ва эъзоз билан ҳали гўдаклигдаёқ фарзанди онгу шуурини бебаҳо дур ҳавоҳирлар билан тўлдиршига қодир экан! Бир неча йил аввал тиббиёт фанлари доктори Жуманазар Бекназаров билан бўлган суҳбатимизда, бола ҳали ҳомилалик пайтидаёқ онанинг юрак уришини, аллани, мусикани, ташқи товушларни илгашини, онги ривожланишида ана шу омиллар жуда катта аҳамият касб этишини, ўша даврдаёқ у шахс сифатида шакллана бошлашини айтган эди. Яъни онанинг овоз чиқариб китоб ўқиши, хиргойиси боланинг камолотида биринчи қадамлар ҳисобланар экан.

Давоми иккинчи саҳифада.

АБАДИЯТГА ҚАДАР

9 февраль — буюк ўзбек шоири, мутафаккир Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг таваллуд кун. Ушбу сана муносабати билан мамлакатимиз бўйлаб кенг миқёсда маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказиш анъанага айланган.

10-12 ёшларидан шеър ёза бошлаган Алишер Навоий ҳақида тарихчи Хондамир ўзининг қимматли маълумотларини ёзиб қолдирган. Унинг ёзишича, мавлоно Лутфий ёш Алишернинг «Оразин ёпқоч, кўзумдан сочилур ҳар лаҳза ёш, Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлган кўёш...» матлаъли газалини тинглаб: «Агар муяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн-ўн икки минг форсий ва туркий байтиمنى шу газалга алмаштирдим...» деган экан.

Мавлоно Лутфийнинг бу ёш шоирга бўлган ҳайрати ва эътироки бугун барчамиз учун ҳам қадрли. Чунки Алишер Навоийнинг бой ва серқирра ижоди фақат ўзбек адабиётидагина эмас, балки жаҳон адабиётида ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. «Хамса», «Тарихи мулуки Ажам», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Рисолаи муаммо», «Мажолис ун-нафоис», «Муншаот», «Мезон ул-авзон», «Ҳолоти Фавоний», «Насоим ул-муҳаббат», «Девони Фониий», «Тарихи анбиё ва ҳукамо» каби бебаҳо мерос адабиётимизнинг маънавий бойлигидир.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси бўлиб ўтган давра суҳбатида шеърят мулканиннг султони қолдирган улкан меросни ўрганиш ва

тадқиқ қилишнинг маънавий-маърифий аҳамияти ҳақида сўз борди.

Миллий кутубхонага 1948 йили улуғ бобомиз номи берилган. Бу масканиннг «Нодир нашрлар» бўлимида Алишер Навоий асарлари қўлёзмалари сақланмоқда.

— Навоий шеърятининг 16 хил жанрида ижод қилган, — дейди тадбир иштирокчиси Иззатилло Мусаев. — Унинг газал, рубоий, туюқ, фард, китъа, мухаммасларини ўқиб, бу каби жанрларда ҳеч бир шоир Навоийдек ижод қилганини англаймиз. «Умидим улдурки ва хаёлимга андоқ келурки, сўзим мартабаси авждан куйи эзмагай ва ёзган асарларимнинг тантанаси аъло даражадан ўзга ерни ёқтирмагай», деб ёзган эди буюк шоир. Бугун чиндан ҳам шоир асарлари дунё бўйлаб юксак парвоз этмоқда. Аҳли жаҳон унинг маънавият чашмасидан баҳраманд бўлмоқда.

Тадбир доирасида шеърят кечаси, Навоий ижодида оид фильм намойиши ва китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Шоир газаллари билан айтилувчи кўшиқлар барчага хуш кайфият бағишлади.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА,
Ўза мухбири

ЭКРАНДАГИ УМР ТАЪРИФИ

Профессор, таниқли киношунос олим Ҳамидулла Акбаров ўзбек киноси дурдоналаридан бири, буюк мутафаккир Мир Алишер Навоий фаолияти ҳақида ҳақиқат қилувчи "Алишер Навоий" фильмининг яратилиши ҳақида маълумотларни тўплаб, уларни шарҳлаб, таҳлил қилиб нашрга тайёрлади. Шоир таваллудининг 577 йиллигига бағишланган мазкур китобни Фафур Фулом номидаги наشريёт-матбаа ижодий уйи шу кунларда китобхонларга етказишни ният қилган.

Кўйида муаллифнинг ушбу мажмуанинг мазмун-мундарижаси ҳақидаги фикрларини эътиборингизга ҳавола этилтишимиз.

— Миллий кинематографи- ямининг илк кадрлари пай- до бўлганига бир асрдан ор- тироқ вақт ўтди. Ҳар бир янги босқичда шундай фильмлар пайдо бўлганки, уларнинг яратилиши ҳақида алоҳида- алоҳида китоб ёзиш вақти аллақачон келган. Баъзи кино тасмалар, кадрлар, улarga асос бўлган сценарий ҳамда эскизлардан томошабинлар оммасигина эмас, кино аҳли ҳам беҳабар. Масалан, Худой- берган Девоновнинг мероси хали тўлалигича ўрганилма- ган. Ишончим комилки, унинг ноёб кадрлари Франция ва Германия фильмотекаларида сақланади. Ваҳоланки, биз фақат Красногорск шаҳрида- ги (Москва вилояти) кинофотофоно архивдан ҳамда операторнинг хона- донидан топилган кадрларинигина би- ламиз. Бу йўлдаги изланиш давом этиши керак. Ахир, Худойберган ота ўтган асрнинг бошида — хали кўп мам- лакатларда синематограф бўлмагани- да ижодини бошлаган-ку! Кинони кад- рлаган, унинг махсуслотини синчков- лик билан кузатиб борган, ҳозиргача ўз аҳамиятини, долзарблигини йўқот- маган мақолада миллийлик, ҳозир- ги тилда айтганда бағрикенглик, юк- сак профессионаллик, чин ҳамкорлик масалалари ҳақида куюниб фикр юритган А.Қодирнинг назари туш- ган "Равот қашқирлари" фильми сақ- ланиб қолган! Эки бир асари хукморн доираларга маъқул бўлмай, таъқиб ости- га олинган, ҳибс қилинган Сулай- мон Хўжаевнинг ижодий жасорат кўрсатгани-чи! У муаллиф, режиссёр, актёр сифатида яратган овозсиз, оқ- қора тусдаги "Бонг олдидан" фильми



дурдонанинг ўзгинаси!... Бу каби ноёб кино асарлар алоҳида ёзилган, маълумотларга бой мажмуалар сифати- да маърифий-маънавий, илмий-ижодий вазифани ўтатиш мукаррар. Биз бу йўлда изланиш олиб бориб, йиллар давомида топилган ҳужжатларни, сце- нарийнинг турли вариантларини, эски- зарларни зарур изоҳлар билан "Тоҳир ва Зухра" мажмуасига киритдик. Ил- мий грант бўйича тайёрланган бу на- шрда 70-75 йил муқаддам кино шир- катида содир бўлган воқеалар ўз ак- сини топди.

Шу кунгача машҳур "Алишер Навоий" фильми сценарийсининг бир кўри- ниши, нухсасигина маълум эди. Унинг турли вариантларини Давлат архиви ҳамда шахсий архивлардан топиб, айримларини мажмуага киритдик. Бу жараён дурдона асар устида ишлаш эволюциясини кузатиб боришга им- кон берди. Бир мухтасар сўхбатда кўп тафсилотларни келтириш имконига бой мероси ҳақида гапириб, Навоий фазалига муҳаммасини ўқиб берди.

НАЗМ ВА НАВО КЕЧАСИ

Узбекистон халқ артисти, марҳум Қодир Махсумов ўқиган Алишер Навоийга қасидадан сўнг Навоий ва Бобур фазаллари билан айтиладиган мумтоз ашу- лалар янгради. Концертни опера ва балет театри санъаткорлари бошлаб бердиш. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маъсум Болтабоева иж- росидаги "Дилором арияси", халқаро танловлар сов- риндори Абдулла Ширинов ижросидаги "Моний арияси", Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нодира Ҳамроева ҳамда Бегзод Акимбаев "Икки дил достони" балетидан ижро этган кўриниш

ИНСОН ТАҚДИРИ ТАЛҚИНЛАРИ

2017 йилнинг якунида таниқли режиссёр Жаҳонгир Қосимов (иккинчи режиссёр Аҳмад Унарбоев) бадиий киноизда даврнинг ижтимоий-сиёсий масалаларига муносабат тарзида суратга олинган, турмуш манзараларини, миллий характерларни намойён этган "Назира" фильмини томошабинлар эътиборига ҳавола қилди.

Фильмга Қарши туманидаги Кўчак қишлоғида тунилган, 80-йилларнинг иккинчи ярмида Қарши шаҳрида дўконларни ижарага олиш билан тadbиркорлик фаолиятини бошлаб, кей- инчалик уларни хусусийлаштириб, "Назира" фирмасини тузган букилмас иродали Назира Шодмоновнинг ҳаёти асос қилиб олинган.

миллат вакили эканига қарамай, у Ўзбекистонни, шу юртининг одамларини яхши кўради. Бу эса фильмда бир юз ўттиздан зиёд миллилат ва элат ва- қиллари яшайдиган Ватанимиз ҳаёти- нинг яна бир қиррасини очиб бериш- га хизмат қилган.

Юқорида номлари келтириб ўтил- ган актёрлардан ташқари фильмда Пулат Саидқосимов, Тўти Юсупова, Хайрулла Садыев, Мирза Азизов, Боир Холмирзаев, Мехри Бекконова, Саша Бекчонов, Абдураим Абдуваҳо- бов, Сейдулла Молдахонов, Олег Ва- сильев, Омон Бурханов, Изроҳат Му- ронова, Санжар Сагторов, Акбархўжа Расулов каби қирққа яқин устоз ва ёш актёр қатнашган. Лекин барча образ- лар моҳияти бирдек очилган, деб бўлмайди. Ҳамро хола (М.Бекчонов), Слава амаки (С.Молдахонов), Солиқ- (С.Лутфуллаев)ларнинг қандай вази- фаларни бажарётганини англаш му- ндали. Эҳтимол, бошқа қаҳрамонлар, киёфаси фильмининг сериал кўрини- шинида намойён бўлар. (Дарвоқе, филь- мининг 6 қисмдан иборат сериал вариан- ти ТВ экранларида шу йил намойиш этилиши кутилмоқда. Ўзбек томоша- бини турк, корейс, рус сериаллариға маҳ- луб бўлиб, телеэкрандан кўз уза олмай турган паллада ҳаёт ҳақиқати бадиий ифодаланган, жамият ҳаёти кўзуда акс этган, теран маншққа асосланган "На- зира" фильми томошабинларнинг сезим- ли сериалига айланса, не ажаб!)


Раззoк Ҳамроев (Навоий роли ижро- чиси), Тамара Назарова (Гули), Ми- хаил Краснянский (бош оператор), Иззат Султонов, Алексей Спешнев, Виктор Шкловский (сценарий муал- лифлари), Зоҳид Собитов (режиссёр), Раҳим Пирмухамедов (Абулмалик), Собир Юнусов (Мансур) каби суратга олиш гуруҳи аъзолари билан сўхбат- лар, Тошкент ва Москва давлат архи- вларида, фильмотекаларда, шахсий архивларда ўтказилган кунлар ўша оғир дамда ҳам ўзбек кино ширкати- да соғлом муҳит бўлганини англашга ёрдам беради.

Мазкур китоб анча мукамал иш- ланган фильмға мадҳия ўқиш мақса- дида ёзилмаган. Унинг хусусиятла- ри, фазилатлари қаламға олинди-ю, айрим ҳолларда замонасозликка ҳам йўл қўйилгани, натижада тарихийлик тамойилларига зид бўлган ҳолатлар юзга келгани қайд этиб ўтилди. Бу саҳифалар ижодкорлар билан бўлган мунозаралар (И.Султонов, А.Спеш- нев билан), учрашувлардан кейин ёзилган, қисман матбуотда эълон қилинган эди. Биз тўхталган қусур- лардан бири Навоий ва Ҳусайн Бой- қаро муносабатларининг сценарий- даги, фильмдаги талқини билан боғ- лик. Бу ўринда ижодкорларгина эмас, улarga маслаҳат берганлар ҳам муроосага, замонасозликка йўл қўйилгани таъкидлаб ўтилди. Мас- лан, таниқли кино устаси С.Эйзенш- тейн "Мосфильм" киностудиясининг бадиий раҳбари сифатида "Навоий" сценарийси муҳокамасида қатнаш- ган. Сергей Михайлович "Навоий ва Султон Ҳусайн ўртасидаги конфликт- ни кучайтириш керак", деганида фақат экран драматургияси қонуни- ятларидан, сценарий ёзиш техника- сидан келиб чиққан кўринади. Лекин тарихийлик тамойилларига, икки дўст, икки шоир умри давомида бир- бирига содиқ бўлиб қолганини тас- диқловчи хотираларга, айниқса, мав- лон Хондамирнинг "Мақорим ул- ахлоқ" асарида муфассал очилган тарихий ҳақиқатга зид маслаҳат ва кўрсатма берилгани ҳам китобда ай- тиб ўтилган.

Хуллас, кино эстетикасини мазкур сценарий, эскизлар, фотосиновлар, муҳокамалар стенограммалари, хоти- ралар, фильм таҳлили мисолида ўрганса бўлади.

Г.УМАРОВА эътибориди.

Ўз ахборотимизи



ачинишини ҳам, ундан нафратланишини ҳам бўлмайсан. Кулранг 50 (эллик) тусда товланаркан. Зеро, ўта салбий кимсалар ҳам "кулранг"лар, улар дав- рга қараб мослашган. Нафс ўпқони барча нарсалдан устун бўлган Пулат Эр- гашев Назира Шодмоновнинг ишон- чига кириб, дўст қиёфасида унинг ор- тидан кўпгина "яхшилликлар" қилади. У бир умр ичидига кул билан кураш- ган, бироқ қулнинг "қули"га айлан- ган. Назира ва Пулат Эрҗашев тақдир- ларининг ўзига хослигини режиссёр ва оператор маҳорат билан тасвирлашган. Актриса Тўти Юсупова ижросидаги қайнона нима сабабдан келинга зуғум ўтказиши актрисанинг нутқида аён бўлади. Қачонлардир турмуш ўртоғи- дан зулм кўрган қайнона келинига, гарчи у бинойидек бўлса-да, "турса сўпоқ, ўтира сўпоқ" дейиш орқали ўз аламини олади, ҳатто келинининг фа- зилатлари ҳам унга камчилик бўлиб кўринади.

Шу ўринда режиссёрлик топилма- лари, оператор Рустам Муродовнинг тасвирга олиш маҳоратини ҳам таъкид- лаш жоиз. Рассом Алишер Умрзоқов 1958 йилдан 1990-йилларгача бўлган даврга хош деталларни ишлаб чиқиш- да ҳар бир кўринишни назардан қочир- магани яққол кўзга ташланади. Филь- мдаги рамзалар, ишоралар сюжетга боғ- ланган, аниқ мақсадга йўналтирилган. Гарчи уларни ҳаётда учрайдиган одий ҳолиса деб қарасан-да, бироқ ҳар бири етакчи гоя инкишофига хизмат қила- ди. Назира Шодмонова(М.Бердиқуло-

СЎЗ ВА МЕЪМОР



Абд — Алишер Навоий замонидаги адабиёт- ларда асосан "қул", "банда" маъносига қўлланган бу сўз меъ- морчиликда мангуликка, қадимиятга дахлдорлик- ни аналган. Мазмун жиҳатдан "абад" сўзи- нинг истилоҳи сифатида қабул қилиш мумкин. Амир Темур қурдирган бинолар дарвозахонаси пештоқда бош меъмор- нинг дастхати чекилган. Меъмор ёзуви "Амал ал-абд..." сўзлари билан бошлаган, яъни "Мангу- ликка бунёд этганим" маъносига.

Айн жойи — бог, бино каби жой- ларнинг режасини тузишда қозик (чўбин, таёқ, устун) билан белгилан- ган марказий нуқта. Темурийлар дав-

Маданият алифбоси

рида Хиротда бунёд этилган барча би- ноларда кенг қўлланган. Заҳрирддин Бобур боғнинг энг эътиборли жойини шундай атаган.

Балхи гумбаз — энг содда ва кенг тарқалган гумбаз тури. Тўғри тўртбу- чак ёки квадрат асосли хоналар усти- га ҳар бурчагидан гиш билан қия те- риб ишланган ва нисбатан паст бўлган. Балхи гумбаз Султон Ҳусайн Бойқаро даврида бунёд этилган паст томли мадраса хужралари, ҳаммом ва сув омборларида кенг учрайди.

Бурж — деворга ташқи томондан тиргак вазифасини бажарган қурил- ма, қалъа деворларига туташ мино- ра шаклидаги қўшимча ишоот. Му- дофиа мақсадида қурилган махсус буржлар ҳам бўлган. Хирот, Хоразм, Бухоро ёдгорликларида меъморий жиҳатдан диққатга сазовор турли хил буржлар сақланиб қолган. Бу сўз На- воий асарларида "буржу бору" — қалъанин минора ва девори, "буржу кох" — минора ёки сарой маънола- рида ишлатилган.

Гирихушо — мураккаб ҳандасавий шаклларнинг такорланишидан иборат гирих нақшларининг сирини бил- вуви устга; гирих устаси. Ҳазрат На- воий тугунларни ечувчи, бандларни очувчи, қийин ишларни ҳал қилувчи одамларга "гирихушо" деб таъриф берган.

Динг — хабарчиларнинг йўллари- да қурилган махсус минора; хабар учун хизмат қилган минорасимон қоровулхоналар, ичида истикомат хо- налари, тепасида "қафас" деб атал- ган кўшксимон қурилма бўлган. Улар орқали фавқулодда хабар(ёв босқи- ни, сув тошқини каби)лар тезлик билан мамлакатга тарқатилган.

Жамоатхона — маъмурий, диний,

оммавий бинолардаги энг йирик хона, хонақоҳ, толор. Бу маскан одамлар тўпланиб, муҳим масалалар муҳока- ма қилинадиган ижтимоий объект ва- зифасини ҳам бажарган. Масалан, Амир Темур буйруғи билан бунёд этилган Аҳмад Яссавий меъморий мажмуаси марказини улкан жамоат- хона ташкил этади.

Изора — деворнинг тоқча билан бино саҳни орасидаги пастки қисми; шу қисмга ишланган тош қоплама. Бир харлам йўнуб юз навъ хора — Ки қилгон ҳавз ё фаршу изора.

Кайвон — айвоннинг ўртасидаги баланд кўтарилган қисми. Кайвонли айвонлар анча кўркам, серхашам бўлган. Сатурн (Зухал)нинг халқ ти- лидаги номи "Кайвон"дан олинган. Бунинг гўзал бадиий мисолларини Алишер Навоий достонларидан кўриш мумкин:

Тўрида гажнинг бир олий айвон — Ки, ҳар бир чиндаги ўргаччи кайвон. "Фарҳод ва Ширин"

Кирпич — гиштининг қадимги тур- кий номи. Хоразмда "карвич" деб талаффуз этилган. Навоий асарлари- да кўп учрайди.

Фалак бошининг кирпич муттасоқи қилғуси гар худ, Бу дам хушид хиштидин бошинга мутталоқ етгай. "Фавоид ул-кибар"

Қанос — пештоқ равоғи тепасидаги туморсимон жуфт безак. Қўпича ислимий ва гирих нақшларидан таш- қил топади. Шердор мадрасаси пеш- тоқнинг қаносларига қуёш, шер (асад буржининг мажозий таъбири деб тал- қин қилинади) ва оҳу тасвири, атро- фиға эса ислимий нақшлар кесма ко- шин билан ишланган. Марказий Осиё меъморчилигида қаносларни турли ҳайвон қушлар, афсонавий мавжу- доллар тасвири билан безаш кенг тарқалган.

"Навоий асарлари луғати" ва П.Зоҳидовнинг "Меъмор олами" китоби асосида тайёрланди.

МАҲОРАТ ДАРСЛАРИДА

Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали очилганига кўп бўлган йўқ. Қисқа вақтда Ўзбекистон Ёшлар итти- фоқи билан ҳамкорликда институт қошида "Ёшлар иттифоқи" номили театр- студия ташкил этилди. Мазкур жамоа ҳозирги кунда йигирма нафарга яқин уюшмаган ёшни сағифа олиб, улarga институт томонидан беминнат таълим- тарбия бериляпти. Бундан ташқари, ҳафтининг ҳар пайшанба кўни "Мақом кечалари" ташкил этилаётгани талабалар ва студия ўқувчилари ўртасида дўсто- на рақобат ҳиссининг оёқ боришида муҳим рол ўйнамоқда. Талаба ва ўқув- чиларга Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Шафрат Раҳматуллаева ўта- ётган маҳорат дарслари ҳам уларнинг билим доираси кенгайишига хизмат қилмоқда.

Шундай бахтли тенгқурларим қатори "Ёшлар иттифоқи" театр-студияси азёсои эканимдан миннатдорман. Биз ёшларга яратиб берилаётган шарт- шароитларга жавобан санъатимизни, маданиятимизни янада юксалтириш йўлида куч-гайратимизни аяммайлаш.

Шундай бахтли тенгқурларим қатори "Ёшлар иттифоқи" театр-студияси азёсои эканимдан миннатдорман. Биз ёшларга яратиб берилаётган шарт- шароитларга жавобан санъатимизни, маданиятимизни янада юксалтириш йўлида куч-гайратимизни аяммайлаш.

Гулсанам ЙЎЛЧИЕВА, театр-студия азёсои

ва)нинг ўғли Шоқир (А.Расулов) билан уйга қайтиш учун йўлга чиқиши умр мазмунини кўрсатса, Жалил ва Назиранинг илк учрашувида Жалилнинг тарозида пахтани гирром ўлча- ши ҳаётдаги қингирикларини, фильм сўнгида онанинг фарзандига ўз иш- ларини қолдириб кетиши, орзу-ният- ларини васият тарзида "тағ маъноли" қилиб сўзлаши ҳамда "Момонти ол- дига бораман" дейишида ҳам муайян мақсад мужассам.

Нигора УМАРОВА, санъатшунос

